

Ҳ у к м
Ўзбекистон Республикаси номидан

2024 йил 7 март куни жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг ўз биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, туман суд раиси Б.Тагаев, судья ёрдамчиси М.Қурбонова ва девонхона мудирини З.Жўраевларнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қумқўрғон туман прокурори ёрдамчиси К.Тўрақулов ва ҳимоячи-адвокат Э.Омонқуловларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисми билан айбланган Хасанов Мухаммад Шамсиддин ўғлига нисбатан бўлган 1-1908-2401/27-сонли жинояти ишини кўриб чиқди.

Хасанов Мухаммад Шамсиддин ўғли, 2001 йил 3 январда Сариосиё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, ҳеч қаерда ишламайди, Сариосиё тумани, А.Навоий маҳалласида яшаб келган, эҳтиёт чораси тариқасида 2024 йил 4 январдан қamoқ қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 19 январь куни олган.

Суд очиқ суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқлари, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи М.Хасанов ўзганинг мулкани товламачилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил декабрь ойи мобайнида Ангор тумани “Занг Гиламбоб” маҳалласида яшовчи фуқаро Бозорова Покиза Хамза қизи билан ишқий муносабатда бўлиб келиб, П.Бозорованинг фото суратларини монтаж қилиб ялонғоч холатга келтириб телеграм ижтимоий тармоғи орқали тарқатиб юборишини айтиб қўрқитиб, ундан 1.500.000 сўм миқдоридаги пулларни талаб қилиб, 2024 йил 3 январь куни Қумқўрғон тумани “Бешқахрамон” маҳалласи ҳудудида П.Бозоровадан 1.500.000 сўм миқдоридаги пулларни олган вақтида ашъвий далиллар билан аниқланган.

Судланувчи Хасанов Мухаммад Шамсиддин ўғли ўзининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судланувчи М.Хасанов судда, ўзига қуйилган айбга иқrorлик билдириб, қуйидагиларни маълум қилди, “2023 йил ноябрь ойидан буён телеграм чатида танишиб қолган Ангор тумани “Занг Гиламбоб” маҳалласида яшовчи Бозорова Покиза Хамза қизи билан танишиб, шу кунга қадар у билан телеграмда ва телефонда суҳбатлашиб келаётган эдик, унинг +99888-493-28-05 рақамига ўзимнинг +99893-575-18-11 рақамимдан кўнғироқ қилиб бир



биримизни яхши кўриб гаплашиб юрар эдик. Шундан кейин мен ўзимнинг расмимни Покизага, у ўзининг расмини менга ташлаган эди. Шундан кейин у билан Ангор туманида кўришиб гаплашдик. Покиза менга ўзининг тахминан 15 талар расмини ташлаган эди. Мен ушбу расмларини кўшиққа монтаж қилиб, ушбу монтажни ўзига ташлаб бердим. Шундан кейин декабрь ойининг охирларида Покиза уйига совчилар келишаётганлигини, бошқа бировга турмушга бермоқчи бўлишаётганлигини айтди, мен унга мени кутсанг сенга уйланаман, кутолмасанг турмушга чиқиб кетавер деб айтдим ва иккаламиз тортишиб қолдик. Шундан кейин бир-биримиз билан гаплашмай кетган эдик. Шундан кейин 2024 йил 3 январь куни туғилган куним бўлганлиги учун пул керак бўлди, мен пулни қаердан топишни ўйлаб, 2024 йил 1 январь куни Покизага телеграмдан менга 1.500.000 сўм пул бермасанг, сенинг расмларингни ёлонғоч холда фотошоп қилиб, барча ижтимоий тармоқларга тарқатиб юбораман деб кўрқитиб, ундан 1.500.000 сўм пул талаб қилдим. Мен икки кун давомида ундан пул талаб қилдим. Шундан кейин Покиза унинг расмларини тарқатмаслигим эвазига менга ушбу пулни беришга рози бўлди, мен унга ушбу пулни Қумқўрғон туманидаги темир йўл бекатига олиб келишни айтдим ва 3 январь куни ўша ерда пулни оладиган бўлдим. Шундан кейин 2024 йил 3 январь куни соат тахминан 15:30 ларда Қумқўрғон тумани “Бешқахрамон” махалласидаги темир йўл бекатида талаб қилган 1.500.000 сўм пулларни олган вақтимда ўзларини Ангор туман ИИБ ходимлари деб таништирган шахслар келиб, нима қилиб турганлигимизни сўради, мен уларга Покиза билан пул олди бердимиз бор дедим, у эса мени кўрсатиб ялонғоч расмларингни тарқатиб юбораман, тарқатмаслигим учун мендан товламачилик йўли билан 1.500.000 сўм пул талаб қилган эди, ушбу пулни бердим деб айтди. Шундан сўнг ИИБ ходимлари ҳодиса содир бўлган жой жамоат жойи бўлганлиги ва бу ерда ҳолатни расмийлаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли видеотасвирини вақтинча ўчириб, тадбир иштирокчилари билан биргаликда Ангор туман ИИБ биносига келдик. Биз ИИБ биносига етиб келинганимиздан сўнг мендан нима ҳолат бўлганлигини сўрашганида мен ҳақиқатдан ҳам П.Х.Бозоровадан 1.500.000 сўм миқдоридаги пулларни талаб қилганлигимни, пулларни олишга асосий сабаб унга тегишли бўлган расмларни монтаж қилиб, интернет ижтимоий тармоғига чиқариб юбормаслик мақсадида олганлигимни маълум қилдим. Ҳозирда содир қилган қилмишимни тушуниб етдим. Қилмишимдан пушаймондаман. Менга қонуний енгиллик беришингизни сўрайман” деб кўрсатма бериб ўтди.

Жабрланувчи П.Бозорова судда қуйидагиларни маълум қилди, яъни “Мен 2023 йил декабрь ойининг бошларида телеграм ижтимоий тармоғида Сариосиё туманида яшовчи 2001 йилда туғилган +99893-575-18-11 рақамини ишлатиб келувчи суждланувчи М.Хасанов билан танишдим. Шундан кейин М.Хасанов телеграмда рамсларни бирлаштириб видео тайёрлаб берарди ва мен ҳам расмларимни унинг телеграм ижтимоий тармоғидаги шахсий кабинетига ташлаб бериб видео тайёрлаб беришини илтимос қилдим. Шундан сўнг менга Мухаммадга мен рамсларимни ташлаб берган кундан бир кун вақт ўтиб расмларимни қўйиб видео тайёрлаб бериб, менинг телеграм



ижтимоий тармоғидаги шахсий кабинетимга ташлаб берди. Мен ўзимнинг рамсларимдан тайёрланган видеоларни сақлаб олиб Мухаммаднинг кабинетини ўзимдан ўчириб юбордим. Орадан тахминан 3-4-кунлар вақт ўтиб Мухаммад менга телеграмдан салом деб ёзди ва мен уни кимлигини танимаганлигимни айтдим, кейин у ўзини видео ясаб берган Мухаммад деб таништиргандан сўнг танидим. Шундан сўнг менга нима учун ёзганлигини сўраган вақтимда Мухаммад менга сен билан салом-алик қилгим келди деб айтди ва Мухаммад менга уйланишга қиз топиб бер деб айтди. Мен Мухаммадга хоп қизни топиб бераман уйланишингизга дедим ва 2023 йил 13 декабрь куни Мухаммад ўзининг иши билан Термиз шахрига келганлигини айтиб, кўришайлик деди, мен рози бўлиб Ангор туманига келишини айтдим. Орадан бир неча соат вақт ўтиб Мухаммад Ангор туманига келди ва унинг ёнига 2004 йилда туғилган амаки опам билан биргаликда чиқдим, Мухаммадга уйланишга мана қиз деб айтган вақтимда Мухаммад унга қиз ёқмаганлигини сенга уйланаман деб айтди. Шундан сўнг мен Мухаммад билан бироз вақт телефон орқали гаплашиб юрдим, шу вақтларда мен Мухаммадни телефонини бир неча маротаба ололмадим ва телефонимни бир неча маротаба олмаганлигимни айтиб орамиз очиқ деди, мен хоп майли дедим. Шундан сўнг телеграм ижтимоий тармоғидан Мухаммад менга телеграмдан ечинган холатда видео қилиб ташлаб беришимни айтди. Мен унақа иш қилолмаслигимни кўп маротаба айтдим, Мухаммад агарда ечинган холатда видеони ташамасанг 1.500.000 сўм миқдорида 2024 йил 2 январь куни соат тахминан 8:00 гача унинг пластик картасига ташлаб беришимни айтди. Шундан сўнг мен Мухаммадга телефон қилиб менда хозир унча пул йўқлигини айтдим, Мухаммад эса қаердан топсанг топ менга қизиғи йўқ, болмаса расмларингни телеграм ижтимоий тармоғидаги “Хелло Ташкент” номли гуруҳга расмларингни монтаж қилган холатда ялонғоч қилиб тайёрлаб тарқатиб юбораман деб айтди. Шундан сўнг мен 2024 йил 3 январь куни Ангор тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилдим, ўз мурожаатимда Сариосиё туманида яшовчи 2001 йилда туғилган +99893-575-18-11-рақамини ишлатувчи “Мухаммад” исмли бола менинг телеграм ижтимоий тармоғидан ташлаб берган оддий рамсларимни монтаж қилиб ялонғоч холатда чиқариб юборишини айтиб қўрқитиб, ушбу расмларимни чиқармаслик эвазига 1.500.000 сўм миқдорида пул беришимни талаб қилганлигини айтиб, “Мухаммад” исмли болага нисбатан қонуний чора кўришликни ва “Мухаммад” исмли болани жиноят устида қўлга олишга фаол ёрдам беришимни билдирдим. Шундан сўнг 2024 йил 3 январь куни Ангор тумани ИИБ ТҚХ ХҚБ ходимлари билан биргаликда Мухаммадни жиноят устида қўлга олиш мақсадида ўз хохишим билан тезкор тадбирда қатнашишга рози бўлиб, Ангор тумани ИИБ маъмурий биносида холислар иштирокида менга овоз ёзиб олиш мосламаси ва тезкор тадбирда фойдаланиш учун 1.500.000 сўм миқдорда пул беришди. Шундан сўнг биз “Мухаммад” исмли боланинг Қумқўрғон туманига чақирганлиги сабабли туман ИИБ ходимлари билан Қумқўрғон туманига бориб, темирйўл вокзалини ёнида автомобиллар тураргоҳида мен Мухаммадга телефон қилиб Қумқўрғон туманига келганлигимни ва турган жойимни айтди. Шундан



кейин туман ИИБ ходимлари кузатуви остида турган вақтимда М.Хасанов келди. Мен Мухаммад билан саломлашиб сўраган пулини берганимдан сўнг расмларимни ўчириб ташлашга ваъда берди. Сўраган пулини берганимдан сўнг Мухаммад мендан пулларни олиб устида бўлган костюмининг чап томондаги ички чўнтагига солган вақтида туман ИИБ ходимлари келиб Мухаммадни қўлга олишди. Мени судланувчига нисбатан даъвом бор, уни мен кечирмайман. Шу сабабли суддан унга нисбатан қаттиқроқ жазо чорасини кўришни сўрайман” деб тушунтириш бериб ўтди.

Гувоҳлар Ш.Мейлиқулов ва З.Шерматовлар судда, ўзларининг тергов давомида бериб ўтган кўрсатмаларини тасдиқлаб бир бирига ухшаш кўрсатма бериб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Т ва ТОХТ Департаменти Сурхондарё вилояти Транспортда ХТБ ЭКГнинг 2024 йил 15 январдаги №2-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра фуқаро Хасанов Мухаммад Шамсиддин ўғлининг ўнг қўлидан (Пакет №2), чап қўлидан (Пакет №3), юз сохасидан (Пакет №4), кийимларидан (Пакет №5), суртма сифатида олинган бинт булакчаларида махсус “Люминофор” кукун излари мавжуд бўлиб, экспертиза ихтиёрига намуна сифатида тақдим этилган махсус “Люминофор” кукун (Пакет №Б) билан ўзларининг кимёвий хусусиятлари ва таркиби ҳамда нурланиш рангига кўра бир бирига турдошлиги, экспертизага тақдим этилган 2 (дона) 20.000 (йигирма минг) сўмлик купюра серия ва рақами AD1962000, DV4310005 бўлган сўм купюра (Пакет №6) махсус “Люминицент” қалам билан ёзилган “ТОВЛАМАЧИ МУХАММАД ВА ШАРИФГА 03.01.2024й” деган ёзувлар ҳамда “Люминофор” кукун излари мавжуд бўлиб, экспертиза ихтиёрига намуна сифатида тақдим этилган махсус “Люминицент” қалам (Пакет №А) ва махсус “Люминофор” кукун (Пакет №Б) билан ўзларининг кимёвий хусусиятлари ва таркиби ҳамда нурланиш рангига кўра бир бирига турдош эканлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”;

Мазкур модданинг 5-қисмида, “Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб белгиланган.

Суд, Конституциясининг мазкур устувор қоидаларига амал қилиб, судланувчи М.Хасановнинг айби жиняот ишини кўзғатиш ва иш юритувига олиш қарори, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, ашёларни тақдим этиш ва олиш баённомалари, тадбир ҳужжатлари, тушунтириш хатлари, аризалар, маълумотномалар, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш қарори, баённомалар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг 2-қисми, иккинчи хатбошида, “Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас деб” белгиланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Хасановнинг жиноий қилмиш ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”, - деб тушунтириш берилган.

Суд, мазкур конституциявий норма талабларидан келиб чиқиб, судланувчи М.Хасановга жазо тайинлашда унинг айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унга Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисми билан шу Кодекснинг 57-моддасига қўлланиб озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил калонияларда ўтатиришни, жазо муддатини қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни, ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 2 дона “ДВД” диск жиноят иши билан бирга сақлашни, 7 дона пакетда қадоқланган қалам намунаси, суртмалар ва бинт намуналарини йўқ қилишни ҳамда тадбир ўтказиш давомида ишлатилган 1.500.000 сўм пулларни Ангор туман ИИБга қайтарилганлигини қайд қилишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида, “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар-ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек, авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга деб” белгиланган.

Суд мазкур конституциявий норма талабидан келиб чиқиб, судланувчи М.Хасановга мазкур суд ҳукми устида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Судланувчи Хасанов Муҳаммад Шамсиддин ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисми билан шу Кодекснинг 57-моддасига қўлланиб 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил калонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2024 йил 4 январдан бошлаб ҳисоблансин.

М.Хасановнинг эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 2 дона “ДВД” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 7 дона пакетда қадоқланган қалам намунаси, суртмалар ва бинт намуналари йўқ қилинсин.

Тадбир ўтказиш давомида ишлатилган 1.500.000 сўм пуллар Ангор туман ИИБга қайтарилганлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Б.Тагаев

